O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOP PALATASI
INV. №



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 1-aprel • № 14 (3791)

## НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЯПОН ТИЛИДА

*Ёзувчилар уюшмасида*

Ўтган шанба куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бир гуруҳ японияликноширлар ва журналистлар ташриф буюришди. Таниқли жамоат ва маданият арбоби, Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган Кёко Накаяма хоним бошчилигидаги ижодкорларни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Абдулла Орипов кунчиқар мамлакат вакилларига ўзбек-япон дўстлигининг бугунги манзаралари, адабий ва маданий алоқалар равнақи, Ўзбекистондаги адабий жараён янгиликлари ҳақида сўзлаб берди. Япон адабиётидан қилинаётган таржима асарлар билан таништирди.

Накаяма хоним бугун Японияда ўзбек адабиёти ва маданиятига, халқимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиётига қизиқиш ҳар қачонгидан ошганини таъкидлади. «Бобурнома»нинг япон тилида чоп этилиши, шунингдек, эндиликда буюк шоиримиз Алишер Навоий асарларини япон китобхонларига кенг кўламда таништириш юзасидан тадбирлар белгилаётгани хусусида сўзлади. Накаяма хонимнинг ўзи эса ҳозир Ўзбекистон ҳақида китоб ёзмоқда. Бу асарда халқимизнинг ҳаёт тарзи, тараққиётимиз йўллари, тарихан қисқа даврда эришган ютуқларимиз, қадимги меъморий обидалар, шунингдек, юртимизнинг бугунги манзаралари ҳақида ҳикоя қилувчи суратли лавҳалар ҳам ўрин олади.

Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий таржима ва халқаро адабий алоқалар кенгаши раиси Муҳаммад Али, уюшма раиси ўринбосарлари Сирожиддин Саййид, Минҳожиддин Мирзо ва бошқа адиблар, муҳаррирлар, Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси раҳбари Ботир Аллаев иштирокида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Алишер Навоий асарларининг япон тилига таржимасини амалга ошириш бўйича қўшма лойиҳа тайёрлашга келишиб олинди. Бу лойиҳага Накаяма хоним ва Абдулла Орипов раҳбарлик қиладилар. Режани рўёбга чиқаришга ўзбек тилини мукаммал эгаллаган Шизуо Шимада сингари япон тадқиқотчилари, шунингдек, япон тилини пухта билувчи ўзбек мутахассислари ва навоийшунос олимлар ҳам кенг жалб этилади. Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ҳам бу улуғ ишга ўз ҳиссасини қўшади.

**Г.БЕГИМҚУЛОВА**



*Суратда: "Аёлғу" спектаклидан лавҳа.*

## ҚАНОАТ ФАРОҒАТИ

Баҳор айёмининг ифори кимнинг қалбини энтиктирмайди, кимнинг дилини тўлқинлантирмайди, дейсиз. Худди шунинг сингари жамиятимиздаги демократлаштириш жараёни, янгиланишлар шукуҳи уни англаган, ҳис этган юракларга тенгсиз нашида бахш этмоқда.

Мудроқ идрокларимиз нимадан уйғонди, туйғуларимиз нимадан сурур топиб, руҳиятимиз нимадан қанотланмоқда? Бунга сабаб Президентимизнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган маърузасидир, десам, сира муболаға бўлмайди. Бу ҳужжат нафақат бунёдкор халқимизга руҳ ва шижоат ато этди, балки жамиятимиз олдига улкан, долзарб вазифалар ҳам қўйди.

Маърузада кейинги йилларда 20 та давлат бошқарув органи қайта ташкил этилгани ва 40 мингдан ортиқ штат бирлиги тугатилгани ёки бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилгани қайд этилган.

Демак, бу ҳол жамиятимиздаги муҳим бўғин — бошқарув тизимида чуқур ислоҳотлар бошланганидан дарак беради. Айни чоғда бу бугун раҳбар ходимлар зиммасига жиддий масъулият қўйилаётганлигидан далолат ҳамдир. Аслини олганда, эндиликда бирон-бир корхона ёки жамоага раҳбарлик қилиш, одамларни ўз изидан эргаштириш, уларни янги мақсадлар сари руҳлантириш шунчаки ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биринчидан, лавозимда ўтирган шахсга бу борада катта маъсулият ҳисси зарур бўлса, иккинчидан, замон талабларини англаш, дунёвий жараёнларни илғаш туйғуси лозимдир.

Биз узоқ даврлар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик муҳитида яшадик. Ва раҳбарликнинг бош тамойилини ана шунда кўрдик. Энди эса замон ўзгарди, жамиятдаги жараёнларни эски усуллар билан сира-сира бошқариб бўлмаслиги беш қўлдек аён бўлиб қолди. Лекин давр ўзгаришини, замон эврилишини ҳамма ҳам етарлича ҳис этиб, ўз дунёқарашини шунга мос равишда тубдан ўзгартирмоқда, деб айта оламизми? Йўқ, албатта. Ҳамон эски қолипларда қолиб кетаётган катта-кичик раҳбарлар ҳали ҳам бисёр.

Бунинг сабаби нимада? Шу ўринда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридаги ушбу гаплар беихтиёр ёдга тушади: "Қаноатга одатланган фақирнинг ёвғон умочи — олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир". Улуғ шоиримиз яна дейдилар: "Қаноатда қанча роҳат-фароғат бўлса, унинг акси бўлган таъмада шунча разиллик ва уқубат бордир".

Балки бу иллатлар кўпроқ лавозимга ўтирган шахснинг дунёқараши, унинг замонни тушуниш савияси, маънавияти билан узвий боғлиқдир десак, хато қилмаган бўлармиз.

*Шахсий мулоҳазалар*

Агар инсон ич-ичидан нимагадир астойдил интилса, нажот, шубҳасиз, етиб келади ва унинг тилаги ижобат бўлади, деб таъкидлайди америкалик руҳшунос-шифокор Луиза Хей. Буни халқимиз жайдари қилиб, ниятинг — йўлдошинг бўлади, дейди. Бу фалсафани бразилиялик машҳур ёзувчи Пауло Коэло "Алхимик" асарида чиройли бадиий санъат билан далиллаб берган. Бундан хулоса қилиб шундоқ дейиш мумкинки, инсон "қора кун"га интилса, албатта, унинг бошига "қора кун" етиб келади.

Лекин у бутун фаолияти давомида, ҳар дақиқада, фақат яхшиликни ўйласа, ҳамиша эзгулик пайидан бўлса, шубҳасиз, у энг ёруғ кунларга мушарраф бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли соҳаларини, тармоқларини — корхоналар ва идораларни, муассасаларни, банкларни бошқараётган навқирон раҳбарларни кўриб ҳавасинг келади. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатларида ўзларига ишонч уфуриб туради ва улар ўз соҳаларининг етук билимдонлари бўлиб, ишга дадиллик билан жазм этадилар. Улар раҳбарлигида ишлаш, бир мақсад йўлида жонбозлик қилиш кўнгилларга ғурур беради. Бундай истеъдодли шахс мутасаддилик қилаётган корхона ёки идора ходимлари ҳамиша унинг дуосини қиладилар, соғ юриб, умри узун бўлишини тилайдилар. Чунки бундай раҳбарлар кўзида ҳамиша меҳр товланади, вужудидан нур ёғилади. Улар ҳеч қачон ходимларидан ўзини баланд тутмайди, аксинча, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ўзиникидан баланд қўяди.

Бундай кадрларнинг кўпайгани яхши. Лекин айни чоғда кўнгилда бир хавотир ҳам туғилади: улар ўзларини бир нарсадан — манманлик, кеккайиш касалидан эҳтиёт қила олармикинлар? Бу хавотирнинг боиси — кеккайган одамда меҳр кам бўлади. Чунки манман одам ҳаммадан кўра ўзини яхши кўради. Ўзганинг дардига эловсиз бўлади. Ҳеч қачон қўл остидагиларнинг ташвиш-муаммолари кўйида куйиб-пишимайди. Раҳбар — ишбилармон, билимдон, ҳар ишда шижоатли бўлса-ю, лекин қўл остидагиларга меҳрли-мурувватли бўлмаса, ундан рўшнолик кутиш фойдасиз? Бу хилдаги шахс ўзи кўтарилиб чиққан зиналарни зинҳор эсламайди. Уни олиб ўтган кўприкларни унутиб юборади. Ҳатто эски дўстларидан юз ўгиришгача бориб етади.

Бундай шахс лавозимга ўтириб қолса борми, асосан, буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан иш юритишга берилиб кетади. Ўзини билимдон санаб, турли соҳаю тармоқлар ишини, уларнинг сирларини шу вазифаларда ўтирган мутахассислардан кўра кўпроқ биламан деб ўйлай бошлайди. Оқибатда у етакчига эмас, тараққиёт йўлидаги тўғаноққа айланиб қолади.

Айни пайтда шу нарсани таъкидлаш лозимки, ривожланаётган мамлакатимизнинг тараққиёт суръати, эркинлашиб бораётган жамиятимиз камолоти кўп жиҳатдан жойларда етакчилик қилаётган кадрлар, лавозимда ўтирган шахслар салоҳиятига, дунёқарашига, диёнатига ва эл ичида ўрнатган адолатига бевосита боғлиқдир.

"Бугунги кунда ҳаёт шуни талаб қиладики, раҳбар талабчан, керак бўлса қаттиққўл бўлиши, лекин биринчи галда адолатли бўлиши зарур, — деб таъкидлайди Юртбошимиз. — Бағрикенг, оққўнгил одамларимиз ҳар қандай талабчан, қаттиққўл раҳбарга чидайди, лекин адолат бузилса, чидай олмайди...".

Яна Юртбошимизнинг "минг-минглаб одамлар раҳбарнинг сўзига ва ишига қараб, умуман давлат сиёсатига баҳо беради. Шунга қараб хулоса чиқаради", деган сўзлари ҳам бор.

Масалан, бир корхона ёки жамоада мутасаддилик қилувчи шахс маҳаллийчи ва гуруҳбоз бўлса, бу ҳам етмагандек, кўпчилик ҳақи ёки давлат маблағини ҳеч нарсадан тап тортмай ўмара бошласа, бу муҳитда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий таназзул бошланмайдими? Замондан ва жамиятдан норозилар сафи айнан мана шундай муҳитларда кўпайиб бормайдими?

Табиатда баҳор ҳамиша янгилик элтувчидир. У борлиқни эзгулик йўлида, гўзаллик, кўркамлик иштиёқида ислоҳ этади. У боғларнинг ёш насли саналмиш ниҳолларни куртаклар билан зийнатлайди. Нишона ҳосил беришлари учун уларнинг новдаларига гуллар тақади. Айни чоғда мўйсафид дов-дарахтларни ҳам асло четлаб ўтмайди. Чунки уларнинг боғ саҳнида алоҳида ўрни бор, алоҳида иззати бор. Уларнинг салобатисиз, қийғос ҳосилларисиз ҳеч бир боғ файзи тўкис бўлолмайди. Шу боисдан ҳам баҳорнинг — Наврўзнинг шижоатида, сурурида, фаолиятида адолат руҳи мужассамдир.

Мақоламиз бошида айтилганидек, Юртбошимиз маърузасидаги устувор руҳ — жамиятни демократлаштириш, янгилаш ва ислоҳ этиш ғояси баҳор шукуҳидек, наврўз сururидек ҳаётимизнинг турли қатламларига кириб бормоқда. Биз бу борада давлат бошқарув тизимига, яъни раҳбарлик фаолиятига доир баъзи фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик, холос. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти, жамиятимиз камолоти янги руҳдаги раҳбарлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир.

**Мирпўлат МИРЗО**

*Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

## ЗАРРИН НУРЛАРНИНГ БЕЗОВТА ОШИҒИ



Ойбек ижодий фаолиятининг илк давридаёқ воқеликни бадиий шаклда ифодалашга интилган. 20-йилларда мамлакат харобага айланган бир пайтда, унинг дастлабки асарлари эълон қилина бошлади. Шоирнинг илк шеърларидан «Чолғу товуши» (1922) ўша даврдаги ижтимоий ҳаётнинг мудҳиш манзарасини чизиб берган:

**Қоп-қоронғи, кенг бир ўрмон ичида,**
**Ҳайрон бўлиб, ёлғизгина турардим.**
**Ўрмон кўкин қора, қалин булутлар**
**Қоплаганди, қуёш нури тушмасди.**

Бу мисралар болшевиклар сиёсатига ишора эди. Маълумки, бу йилларда большевиклар халқ бошига турли балоларни ёғдирган, ҳамма жойда очлик, қаҳатчилик, фуқаролар уруши авж олган эди. Ўрмонзор — юрт тимсоли. Ўрмоннинг осмонини қора ва қалин булутлар қоплаб олган. Яъни шоир айтмоқчики, юртимиздаги эркка, озодликка бўлган интилиш ўша пайтда батамом тўсилган. Маълумки, «кўк» сўзи шеъриятда доимо озодлик, эрк рамзи сифатида келади.

**Ушбу чоғда бир чолғунинг овози,**
**Узоқ ердан мунгли, мунгли эшитилди.**
**Бу ёқимли, миллий чолғу, миллий куй,**
**Танларимни жимирлатди, оҳ, ярамга туз сепди...**
**Кўп ўтмай, роҳатларим йўқолди**
**«Ётма, ўғлон, уйғон, кўз оч, ухлама!» —**
**Деган куй-ла чолғу уни йўқ бўлди.**
**(Билолмадим, бу чолғуни ким чалди?)**

Шоир қалбини ўртаган, уни курашга чорлаган бу чолғу саси миллат қайғуси эди, миллатнинг келажаги учун курашга интилиш эди. Шундай фикрларни Ойбек турли рамзларда, образларда маҳорат билан бера олган. Унинг илк шеърларида курашчанлик ва миллий озодлик асосий мавзу қилиб олинган. Шу йиллари эълон қилинган «Қушлар учаркан», «Кеча туйғуси», «Фарғона оқшоми» сингари шеърларида ҳам она юртимизнинг ўша даврдаги аянчли қисмати акс эттирилган. Шоир бу даҳшатлардан қутулиш йўлларини излайди, хаёлга берилади, гоҳо тушкунликка тушади. Унинг шу даврда ёзган «Овчига» номли шеъри эса Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд» мусаддасига ҳамоҳангдир:

**Отма қушчани, қанотин қоқсин!**
**Гўзал куйлари кўнглидан оқсин.**
**Эркликдан бошқа борми бир гўзал?**
**Қўй, овчи уни, кўнгил юпатсин.**

**Давоми тўртинчи бетда.**

## МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИДА

29 март куни вазирликда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг «Диёр оҳанглари» республика телевизион фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур фестивалдан асосий мақсад чекка қишлоқларда ижод қилаётган истеъдодларни топиб, уларга кўмаклашиш, жойлардаги ҳаваскорлик тўгараклари ишини янада ривожлантириш ва кенг тарғиб этишдан иборат.

Йиғилишда сўзга чиққан Телерадиокомпания «Мусиқа» дирекцияси директори С.Олимбоев, режиссёр Б.Юсупов, вазирлик бошқарма бошлиғи Ў.Тошматов, Халқ ижодиёти маркази бошлиғи ўринбосари Ў.Тоҳиров ва бошқалар тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилганлар барча ташкилий ва ижодий масалалар бўйича қилинадиган ишлар юзасидан маслаҳатлашиб, ўзаро келишиб олдилар.

Йиғилишни вазир ўринбосари Азамат Ҳайдаров олиб борди.

## ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИ БАЙРАМИ



Ўзбек театр санъатининг фидойилари, жонкуяр ходимлари бу йил ҳам ўзларининг касб байрамларини муносиб кутиб олдилар. Кўплаб театрлар жамоалари мухлисларини янги спектакллар билан хушнуд этиб, репертуарларидаги энг сара асарларни намойиш қилишди.

Халқаро театр кунига бағишланган асосий тадбир эса Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида бўлди. Тадбирни «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев театр санъати ходимларини байрам билан табриклади. Юртимиз санъатини жаҳонга танитишда, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда театр ижодкорларининг алоҳида ўрни борлиги, театр санъатнинг миллат қиёфасини белгилайдиган тури экани таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг бир гуруҳ ижодкорларга байрам совғалари топширилди. Муқимий номидаги театр санъаткорлари «Бахтли бўл, дугонажон» номли янги спектаклни байрам қатнашчиларига намойиш этди.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан фолклор-этнографик жамоаларнинг анъанавий «Кўҳна замин оҳанглари» вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловнинг мақсади воҳа шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган фолклор-этнографик жамоаларининг ижодий изланишларини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

**Олий ўрин** — Қамаши туман «Зилола» болалар боғчасининг «Эгачим» фолкор дастасига насиб этди.

**1-ўринга** Чироқчи туманининг «Чироқчи чироқчилари» ҳамда Қарши туманининг «Момогул» фолклор-этнографик халқ жамоалари, **2-ўринга** эса Муборак туманининг «Занжирсарой» ҳамда Шаҳрисабз туманининг «Тоғ гули» фолклор-этнографик жамоалари муносиб деб топилди.

**Д.УМАРОВА**

### Маданий ҳаёт:

Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик Катта театрида Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб «Ҳумо» номли янги балет спектакли саҳналаштирилди. Шу муносабат билан театрда журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

Ҳумо қуши икки ёш – Заргар ва Зулайҳонинг муҳаббатини асраб қолишга ёрдам беради. Ҳақиқатгўй ва кучли афсонавий қуш қора кучларни енгувчи тумор сифатида тасвирланади.

Асосий ролларни театрнинг етакчи ва ёш актёрларидан Игор Кистанов,Замир Нуримбетов,Вадим Геллертов, Андрей Шалберкин, Владислав Егай, Амина Бобожонова, Нозима Ҳасанова ва бошқалар ижро этишган. Либретто муаллифи Валерий Сергеев, мусиқа муаллифи Анвар Эргашев, балет устаси Георгий Алексидзе, рассом Юрий Гегешидзе, либослар рассоми Комила Ёқубовалар асарнинг томошабинга манзур бўлиши учун куч- ғайратларини аямаганлар.

**БУГУНГИ СОНДА:**

3 ИККИ ОҚИН ДАРЁ

ОРЗУ ОСТОНАСИДА 5

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: БУГУН КУЛГИ КУНИ 6

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2005 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна баҳоси сиз кутганингиздан анча арзон.

**Нашр кўрсаткичимиз – 222**

Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш муассасаларида сизни кутиб туришибди.

***Обуна чекланмаган.***

***БАНККА ҚЎЙГАН ПУЛИНГИЗ ТИЛИНГИЗНИ, ОБУНАГА САРФЛАГАН ПУЛИНГИЗ – ДИЛИНГИЗНИ БУТУН ҚИЛАДИ.***



*Акс-садо*

## ЎЗИМИЗГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Газетанинг 21 январ сонидаги М.Холмирзаев ва А.Маматовларнинг «Никоҳ либоси» мақоласини ўқиб қаттиқ тасирландим.

Бу мавзуни йигитларимиз томонидан ёритилиши, қизларимизнинг эса лоқайдлиги мени таажжубга солди.

Чет элдан келган сайёҳлар, биринчи навбатда, ўзбекларнинг урф-одати, қадрияти ва миллий либосларига катта қизиқиш билан қарашади. Аммо улар музейларда ёки кўргазма залларида кўрган миллий либосларни шаҳар айланиб учратмаганларидан ҳайратга тушишлари табиий ҳолдир. Чунки ўзбек миллатига хос бўлган либосларни кийиб юрган қизлар ўз тенгдошларидан «қишлоқи» деган сўзларни ёки йигитларимиз бошларига дўппи кийиб юришса одамларнинг таажжубланиб «тинчликмикан...» деган сўзларидан қайтиб кийишмайдиган бўлишади. Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, миллий келинлик либосини опа-сингилларимиз осонгина бошқа миллатнинг либосига алмаштиришлари ачинарлидир.

Аёлларимизнинг ғарбликларга хос бўлган либосларни кийишида эркакларнинг ҳам айби бор, деб ўйлайман.

Тарихдан бизга маълумки, ўзбек халқи асрлар мобайнида ўз қадриятини, урф-одатларини ва миллий либосларини асраб келган. Нима сабабдан энди бу анъанани бузишимиз керак?

Ҳадиси шарифда кимки бирор миллатга ҳавас қилиб кийиниш ва зийнатланишда ўзини уларга ўхшатиб юрса, ўша миллатга мансуб бўлиб қолади, дейилади.

Шундай экан, ҳар дам, ҳар дақиқа ўзбеклигимизни ҳис қилиб, менталитетимизга хос бўлган либосларни кийиб, ўзлигимизни унутмасдан, ўзимизни англаб яшайлик.

**Хуршид БЕКНАЗАРОВ**

Умарали НОРМАТОВ

# АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

## II. ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИ МУАММОЛАРИ

ЭССЕ

90-йиллар охирларига келиб миллий таълим системаси жаҳон андозалари асосида тубдан ислоҳ қилинди, «Таълим тўғрисида»-ги қонуннинг янги таҳрири, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида давлат адабий таълим стандарти ва V-IX синфлар учун адабиётдан янгиланган дастур ишлаб чиқилди. 1998-2002 йиллар давомида ана шу дастур бўйича истиқлол даври адабиёт дарсликларининг янги — иккинчи авлоди яратилди ва лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида чоп этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлисининг IX сессиясида «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзуидаги нутқида (1997 йил, 29 август) **«Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир»** — деган эди.

Янги авлод дарсликларини яратишда Президентимизнинг ана шу сўзлари дастуриламал қилиб олинди. Дастур ва дарсликларнинг муаллифлари бу йўлда жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда изланишлар олиб борди. Бешинчи синфдан бошлаб аввалгидек болаларга осон тушуниладиган асарлар билан баробар бир оз мураккаб, улар ақлини пешлайдиган, ўйлашга, бош қотиришга мажбур этадиган асарлар ҳам берилди. Дарслик ва мажмуаларда асар ва унинг муаллифи ҳақида мухтасар маълумот келтирилгани ҳолда асар матнидан кейин келадиган анъанавий «Асар ҳақида» қисмидан, яъни асар матни мазмунини чайнаб ўқувчи оғзига солиб қўйишдек жўн усулдан воз кечиш, асар таҳлилини савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этиш мўлжалланди. Бошда аксар ҳолларда тажрибали ўқитувчиларгина эмас, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам бу йўлни маъқул кўрган эдилар. Айни шу йўлда тайёрланган дарслик-мажмуа матнлари 1998-1999 ўқув йили Тошкент шаҳрининг 274-мактабида, вилоятлардаги қатор синов майдонларида тажрибадан ўтказилди. Дарслик муаллифлари йил бўйи синфларда ўтириб дарслик бобларининг амалдаги ижросини кузатдилар.

Янги авлод дарсликларининг илк китоби — 5-синф адабиёт дарслик мажмуасини тайёрлаш Наим Каримов билан менинг чекимга тушди. Айни пайтда иккимиз ҳам якунловчи 9-синф дарслиги муаллифларидан эдик. Икковимиз ҳам ўша ўқув йили давомида 5-синф дарслиги хаёли билан яшадик. Синов майдонлари билангина чекланмай, 5-, 9-синф дарсликлари бобларини маҳалламиздаги 29-мактаб синфларида тажрибали адабиёт муаллимлари билан ҳамкорликда синовдан ўтказдик. Ҳар бир мавзу бўйича ҳар бир соат дарс бирма-бир муҳокама қилиб борилди. Ниҳоят, учинчи чорак интиҳосида Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти иштирокида Республика бўйича ўтказилган дарслик синовлари якуни муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлди. Кенгаш қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди, синов дарсликлари асосан маъқулланиб, нашр этишга тавсия қилинди. 5-синф дарслиги ўша ўқув йили чоп этилиб, янги ўқув йили арафасида мактабларга тарқатилди; «Ўзбекистон овози», «Миллий тикланиш», «Маърифат», «Фидокор» газеталарида бирин-кетин у ҳақда ижобий тақризлар чиқди.

Дарслик жузъий тузатишлар билан тўрт бор қайта чоп этилди, ниҳоят 2003 йили Осиё Ривожланиш Банки кредит маблағлари ҳисобидан ўтказилган танлов шартлари асосида жиддий қайта ишланди, танловда ғолиб чиққач айланма жамғармаси учун алоҳида нашр қилинди. Бу хайрли тадбирлар жараёнида дарсликлар тақдири билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Бу чигал жумбоққа аслида бир йил олдин 9-синф адабиёт дарслиги танлови асносида дуч келган эдик.

Аввало, бундай танловнинг мақбул жиҳатлари хусусида икки оғиз сўз. Танлов шартига кўра, бир ўринга бир эмас, бир неча ижодий гуруҳ ўз ишлари билан иштирок этиш, дарсликлар қўлёзмасидан энг яхшисини танлаб олиш имкони туғилди. Танлов ҳалол, оқилона ташкил этилса дарсликлар савиясини кўтариш учун катта имконият очилиши турган гап.

Иккинчидан, ғолиб чиққан дарслик муаллифларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш хийла кўтарилди. Моддий рағбатда гап кўп экан. Тендр-танлов баҳона бир пайтлар ўзларини панага олганлар ҳам бирданига енг шимариб дарслик яратишга шайланди.

Танловнинг тасаввурга сиғмайдиган ғаройиб шартлари бор эди: дарслик билан бирга ўқитувчилар учун методик қўлланма ҳам тайёрланиб топширилиши, дарслик ҳажми эса 13 босма табоқдан ошмаслиги шарт. Белгиланган 2-3 ой мобайнида дарсликни-ку бир илож қилиб ёзиш мумкин, аммо ўқув-методик қўлланмани шу муддатда тайёрлаш мумкинми?! Методик қўлланма олимнинг ижод столида, раҳбар ходимнинг иш кабинетида эмас, бевосита синфда, дарслар жараёнида, бир неча йиллар ўтказилган амалий тажрибалар натижасида майдонга келади-ку, ахир! Устоз Субутой Долимов 5-синф бўйича адабиёт ўқитиш методикасини ўн йил давомида яратганидан хабарим бор. Шахсан ўзим бир қадар мактаб ҳаётига яқин, неча йиллар адабиёт муаллимлари билан мулоқотда бўлсам ҳам 9-синф «Адабиёт» методикаси бобларини ишлашда довдираб қолдим, бу ишни узоқ йиллар мактабда ишлаган умр йўлдошим иштирокида аранг эпладим. Келгуси йил 5-синф «Адабиёт» методикасини тайёрлашда ёш адабиётшунос Б.Каримов ва навқирон методист-тадқиқотчи, тил ва адабиёт муаллими Комила Усмонованинг иштироки туфайли ишимиз бироз енгил кўчди.

Яна бир жиддий муаммо. Танлов шартига кўра, муқобил дарслик устида ишлашга аҳд қилган муаллиф мавжуд дастур бўйича ҳам ва, айни пайтда, ўзи тайёрлаб тақдим этган дастур асосида ҳам дарслик ёзиши мумкин. Бошқаларни билмадим, ўзгалар тузган дастур асосида дарслик ёзишни шахсан мен ўзим учун ор деб биламан. Гарчи дастур вазирлик томонидан тасдиқланиб, расмий ҳужжат сифатида қабул қилинган бўлса-да, унинг ўз ижодкорлари бор-ку! У муайян шахс ёки муаллифларнинг ижодий яратиғи-ку! Адабиёт дастури муаллифларининг ижодкорлик ҳуқуқи муҳофаза этилиши даркор деб ҳисоблайман. Оригинал концепцияси, дастурига эга бўлмай тайёр ошга баковул тарзида тайёрланган дарслик ҳеч қачон чин муқобил дарслик бўла олмайди. Ўзгалар яратган концепция, дастур асосида дарслик яратишга уриниш бировнинг томорқасида экин экиб, ҳосил кўтаришдай гап.

5-синф дастури концепциясини Н.Каримов иккović бир неча ойлар давомида тинимсиз изланишлар асносида яратганмиз. Асарларни, асарлардан олинган парчаларни танлаш, улардан кўзланган педагогик ва эстетик мақсадларни белгилаш машаққатларини айтмайсизми! Бошқа синф дарсликларини камситмаган ҳолда олти бўлимдан иборат 5-синф дарслик-мажмуаси, дарслик композицияси, бўлимлар ва бўлимлар ичидаги асарларнинг жойлаштирилиши, мутахассислар фикрича, аъло даражада адо этилган. Дарслик-мажмуа шунчаки асарлар тўплами эмас, балки у тугал, яхлит асар; бир бўлим ёки бўлим ичидаги асар ўрни алмаштирилса ёки келтирилган асар матнидан бирор кичик парча қисқартирилса, дарсликка жиддий путур етиши тайин! Қолаверса, умумтаълим адабиёт дарсликларининг ҳар бири яхлит асарнинг алоҳида-алоҳида китобларидир. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олмай, унга нописанд муносабатда бўлишнинг жабрини татиб кўрдик.

V-IX синфлар адабиёт китобларини дарслик-мажмуа тарзида яратиш мўлжалланган. Айниқса V-VI синфларда адабиёт фан эмас, предмет сифатида ўрганилади. Бу синфларда муаллим адиблар ҳаёти, ижоди, алоҳида асарлари ҳақида синфда маъруза ўқимайди, балки адабий матнлар устида ўқувчилар билан иш олиб боради. Танловда бу ҳол мутлақо ҳисобга олинмай, 5-синф учун соф дарслик яратиш ва унга қўшимча алоҳида мажмуа-хрестоматия тузиш талаб этилди. Бу педагогик технологияга зид эканлиги неча бор айтилди, бироқ ўша кезлари буни эшитадиган зот топилмади. Ноилож, «ҳийлаи шаръий» йўли тутилди, гарчи танловга тақдим этилган китоб «дарслик» деб аталган бўлса-да, аслида у дарслик-мажмуанинг ўзгинаси эди. Бироқ ҳажм муаммосини ҳал этиш иложи бўлмади. V синф дарслик-мажмуаси 22-23 босма табоққа мўлжалланган эди. Китобни кескин қисқартиришга тўғри келди, қисқартиришлар асосан асар матнлари ҳисобига бўлди. Тўғри, ваъдага кўра 5-синф дарслигига илова тариқасида 12 босма табоқли алоҳида мажмуа тайёрланиб чоп этилди. Ноқулай томони шундаки, дарслик 437000 нусхада бўлса, мажмуа бор-йўғи 10000 нусхада чиқди. Бу ҳар бир мактабга бир-иккитадан тўғри келади дегани. Ҳолбуки, дарслик каби мажмуа ҳам ҳар бир ўқувчи қўлида бўлиши даркор! Қаранг, бундан давлат ҳам, мактаб ҳам, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам қанча ютқазади. Битта 22 табоқли дарслик-мажмуага рухсат бериш билан бу чигал муаммони осонгина ҳал қилиш мумкин эди-ку!

Бир йил бурун 9-синф дарслигини яратиш теварагида ҳам шундай можарога дуч келган эдик. «Маънавият» нашриёти директори С.Аҳмедовнинг елиб-югуришлари оқибатида белгиланган қатъий ҳажм қисман ўзгартирилиб, дарслик ҳажми аранг 16 босма табоққа етказилди. Шунга қарамай, мўлжалланган 10 босма табоқ матн қисқартирилгани учун дарслик ночор аҳволда чиқди. Дарсликка илова тариқасида чиқарилиши лозим бўлган мажмуа ўлда-жўлда ҳолда қолиб кетди.

Энди мана бу ҳангомага қаранг, бошқа мамлакатлардаги аҳволни қўятурайлик. Айни ўша йиллари ўз Ватанимизда русийзабон мактабларнинг 5- ва 9-синфлари учун чиққан дарслик-хрестоматияларга кўз ташлайлик. 5-синф адабиёт китоби 24 босма табоқ, 9-синф дарслиги эса икки китобдан иборат; биринчи китоб 26 босма табоқ — 414 саҳифа, иккинчи китоб эса 28 босма табоқ — 446 саҳифа, жами 54 босма табоқ — 860 саҳифалик дарслик-хрестоматия! Ўзбек мактаблари 9-синф дарслиги эса бор-йўғи 16 босма табоқ — 236 саҳифа... Қараб, кўзларингизга ишонмайсиз. Наҳотки 9-синфда она тилида таълим оладиган миллат фарзандлари адабиётдан мамлакатимиздаги русийзабон ўқувчиларга нисбатан қарийб уч ярим баробар кичик дарсликка эга бўлсалар!..

2003 йил баҳорида Республика таълим маркази ходимлари иштирокида адабиёт дарсликларига бағишланган кенгашда шу ҳақда гапирдим. Таълим марказининг ўша кезлардаги раҳбари Г.Алимова «Бу адолатсизликни тузатиш ўз қўлимизда, албатта тузатамиз» деб ваъда қилган эди, бироқ амалда ҳеч нарса бўлмади.

Бир неча оғиз сўз дарсликларга кирган асарларнинг ўқувчилар савиясига, ўзбекчиликка мослиги масаласи хусусида. Биринчи авлод дарсликлари теварагида бу борада кетган баҳсларнинг энг жиддийси «Шоҳ Эдип» трагедияси билан боғлиқ эди. Бир қатор ҳамкасбларимиз «Бу асар ўзбекчиликка ёт, қаҳрамоннинг ўз онасига уйланиши тўғрисидаги асарни синфга олиб кириб бўлмайди» деб чиқдилар. Наҳотки, йигирма беш асрдан бери жаҳонни ҳайратга солиб келаётган нодир асар шу тарзда тушунилса?! Эдип бошига тушган даҳшатли савдо фақат биз ўзбеклар учун эмас, барча миллат одамлари, бугун эмас, йигирма беш аср бурун ҳам жамики инсон боласи учун ёт, шармандали қисмат саналган. Эдип ўзи мутлақо истамаган ҳолда тақдир тақозоси туфайли ана шундай шармандали кўргиликка гирифтор бўлган. Қаҳрамон ана шу кўргилик туфайли изтироблар оловида куйиб-ёниб адойи тамом бўлади... «Шоҳ Эдип» инсон зоти қалбини поклашга, ҳаёт ва қисмат ҳақида жиддий ўйлашга чорлайдиган асар... Секин-аста бўлса ҳам ҳамкасбларимиз охир-оқибат трагедиянинг асл моҳиятини тушуниб етдилар, XXI асрга ўтиб бу борадаги эътирозлар ўз-ўзидан сўниб қолди.

Иккинчи авлод дарсликларига кирган асарлар, чунончи, 5-синфдаги «Гулнор опа» ҳикояси, «Олтовлон ва еттинчи» ривояти, «Кичкина шаҳзода», 9-синфдаги «Бегона» қиссалари теварагида айрим гап-сўзлар бўлиб ўтди. «Гулнор опа» ҳикоясида қиз билан йигитнинг бир-бирига эркаланиб, суйкалишиб тургани тасвирланган кичик бир лавҳа бор. Бу ҳодиса атрофи баланд деворлар билан ўралган кимсасиз боғ ичида рўй беради. Асад деган бола ўйин пайти боғ ичига учиб тушган тўпини қидириб у ерга кирганида тасодифан бояги манзарага кўзи тушади...

Баъзи муаллимлар даъвосича, бу лавҳа болаларга тўғри келмас, улар тарбиясини бузар эмиш. «Гулнор опа»даги манзарага синчиклаб разм солинг. Бу ерда қанчалар ўзбекона руҳ, шарм-ҳаё бор. Йигит ва қиз рўпарасида ногаҳон бола пайдо бўлганида довдираб қолишади, йигит қочиб ўзини деворга уради, қиз эса бола қаршисида йиғлаб-ялиниб бўлган воқеани бировга айтмасликни илтижо қилади; бола ҳам ўз навбатида ошиқ-маъшуқларни ноқулай аҳволга солиб қўйганидан хижолат чекади, мурғак қалб изтиробда қолади... Ана, сизга ҳикоянинг асл мағзи, болалар учун тарбиявий қиммати!

Шахсан мен «Гулнор опа» дарсларини кўп кузатганман. Ҳикоя ўқилганида, юқорида эслатилган лавҳадаги интим ҳолатлар болаларнинг хаёлига ҳам келмайди, бирорта ўқувчи ёмон ўйга бормайди, Гулнор опа ҳолати, боланинг пушаймонлари болакайлар хаёлини банд этади. «Гулнор опа» ана шундай ор-номусли йигит-қизларимиз учун фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Минг афсус, ўқувчи ҳис этган ана шу нафис ҳолатни айрим муаллимлар тушунмайди ёки тушунишни истамайди.

«Олтовлон ва еттинчи» ва «Кичкина шаҳзода» 5-синф ўқувчиларига оғирлик қилади, улардаги тагмаънони 11-12 ёшлик ўқувчилар уқиб олиши қийин, деган эътирозларга мен асло қўшила олмайман. Кези келганда айтиб ўтай: 9-синф дарслигида, 5-синф дарслик мажмуасининг 5-нашрида айрим мутахассисларнинг илтимосига кўра асар ҳақида мухтасар таҳлиллар беришга тўғри келди. Айни пайтда муаллифларнинг таҳлил ва талқинлари асар ҳақидаги узил-кесил ҳукм эмаслиги, ўзгача хилма-хил фикрлар бўлавериши мумкинлиги алоҳида ва қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Кузатишлар, сўраб-суриштиришлар шундан далолат берадики, муаллифларнинг тушунтиришларисиз ҳам бу аломат ривоят моҳиятини болалар бемалол англаб олаверади.

Давоми тўртинчи бетда.



## Академик Салоҳиддин МАМАЖОНОВ



Шафқатсиз ўлим таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, академик Салоҳиддин Мамажонович Мамажоновни 74 ёшида орамиздан олиб кетди.

Салоҳиддин Мамажонов 1931 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида, деҳқон оиласида туғилди. 1952 йили Фарғона педагогика институтини битиргач, мактабда ўқитувчи, туман халқ таълими бўлимида катта нозир лавозимларида ишлади. 1954-1957 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. 1958 йилдан умрининг охиригача мазкур институтда кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. 1968 йилда «Ғафур Ғулом маҳорати» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Салоҳиддин Мамажонов мамлакатимизнинг етакчи адабиётшунос ва адабий танқидчиларидан бири эди. Олим Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Боту, Ойдин каби сўз санъаткорларининг ижодини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди, бадиий маҳорат ва ёзувчи услуби масалалари бўйича эътиборли тадқиқотлар олиб борди. У 30дан ортиқ монография, китоб ва рисола, 400га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди, ҳамкорликда олий ўқув юртлари учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек тили ва адабиёти» каби дарслик ва қўлланмалар яратди.

С.Мамажонов филология соҳасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида 30дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Академик Салоҳиддин Мамажоновнинг ўзбек адабиётшунослиги равнақига қўшган ҳиссаси, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Унга «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» унвони берилган, республика Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Бутун умрини ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга бағишлаган таниқли олим, меҳрибон мураббий, камтар инсон Салоҳиддин Мамажоновнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

*Журналларни варақлаганда*

**«Гулистон» журналининг 2005 йил 1-сони нашрдан чиқди**




Журналнинг мазкур сонида ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий ва маданий-маърифий мавзулардаги бир қанча мақолалар ўрин олган. Жумладан, О.Раҳимовнинг «Амир Темурнинг давлат интизоми» сарлавҳали мақоласида улкан тарихий тажриба намунаси — буюк соҳибқирон Амир Темурнинг давлат идора усули ҳақида мулоҳаза юритилади.

С.Хўжановнинг «Шифокорнинг нутқ маданияти», Б.Раҳмонов ва Т.Дўсановнинг «Эпик хотира ва эпик билим», Қ.Йўлдошевнинг «Англашнинг азобли йўли» мақолалари журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган ва рангбаранглик бағишлаган асарлардир.

«Замондошлари бу зоти бобаракотнинг илмларини соҳили йўқ бир денгиз мисоли билиб, шараф тожига муносиб кўриб эдилар. Бу алломанинг мўътабар номлари ислом илми осмонида ёруғ юлдуз бўлиб чақнай бошлаганидан бери йилларнинг аёвсиз шамоли неча-неча номларни унут саҳросида қолдирди». Ушбу парча ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Соҳилсиз денгиз» бадиасидан. Сиз журналнинг ушбу сонида адибнинг улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳақидаги асари билан танишасиз.

Шунингдек, журналда сиҳат-саломатлик, спорт, қўшиқчилик санъати, мусиқа адабиёти ҳамда таълим-тарбия муаммолари, театр, адабий мерос мавзуларида қизиқарли суҳбатлар, мақолалар эълон қилинган.

Шоирлардан Ҳайдар Тўраев ва Ўктамойнинг янги шеърларини, Муҳаммад Исмоилнинг «Шоир» номли ҳикоясини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Сканворд-муаммоларни ечиб, Абдураззоқ Обрўйнинг ҳажвияларини ўқиб, ҳузур қилиб ҳордиқ чиқарасиз. Рассом Ҳикмат Жалиловнинг ижодидан намуналар ҳам сизга хуш кайфият бағишлайди.

# СЎЗ СЕҲРИ

## Профессор Шавкат Раҳматуллаев етти луғат яратди ва ҳамон изланишдан толмайди!

У талабалик чоғларида шеър ёзишни тинимсиз машқ қиларди. Шоир бўлишига ишончи бор эди. Аммо баланд бўйли, келишган қоматли, уст-боши ўзига хўп ярашган, юз-кўзи, овозида кишини мафтун этадиган алланима бор истараси иссиқ домла тилшунослик фанидан дарсга кирди-ю, унинг орзу-ҳаваси тамоман ўзгарди. У худди ана шу домладек тилшунос бўлишга аҳд қилди. Сўзларнинг сирли оҳангдошлик ҳосил этишига қизиқиши бу орзусининг қатъийлашувига пойдевор бўлди. Анча-мунча шеър ёзиб, шоирлик шуҳрати орзусида юрган талабанинг интилишига «тўсиқ» бўлган домла Аюб Ғулом эди. Бу туғма тилшунос, ростдан-да, дарс машғулотларини қойилмақом қилиб ўтарди. У маъруза ўқиётганида талабалар сеҳрлангандек жимгина ўтиришарди. Хонада «тиқ» этган товуш эшитилмасди, ҳеч ким унинг машғулотларида зерикиб, безовта бўлмасди. Дарс машғулотларини унча хуш кўрмайдиган тантиқ талабалар ҳам бу домланинг маърузаларини мароқ билан тинглашарди. Аюб Ғулом дарс машғулотларини ҳар қандай режиссёрни қойил қолдирадиган артистона маҳорат билан олиб борарди. Унинг маърузалари талабаларни сўзларнинг сеҳрли оламига олиб кирарди. Уларни тилшунослик илмига беихтиёр қизиқтириб қўярди. Бу домланинг дарсларини тинглаган талаба ўша кезда «Тилшунослик ҳамма дарслардан устун», деб ҳар қандай одам билан баҳслашиб кетарди. Аюб Ғулом кўп кишиларнинг тақдирида ўчмас из қолдирди. Улкан олимнинг китоблари, мақолалари ўзбек тилшунослигининг мезони бўлиб келди. Талабалар унинг маърузалари таъсирида тилшунослик илмига меҳр қўйди. Улар орасидан талайгина олимлар етишиб чиқди. Шавкат Раҳматуллаев ҳам шоир бўлолмаганидан афсусланмайди. У тилшунос бўлганидан ҳамиша фахрланади. Чунки у сўзлар билан «тиллашиш»дан завқланади. Бу завқни дунёнинг ҳеч бир бойлигига алмаштирмайди. Сўзларнинг сеҳрли оламини англашга интилиш ҳаётининг асл мазмунига айланган. У айримларга ўхшаб, илмий даража, унвонга эришиш учун бу соҳа заҳматларини зиммасига олмаган. Ғоят кунтталаб соҳага у чин дили билан ихлос қўйган. Шунинг учун у ўзбек тилшунослари орасида энг кўп луғат яратди. Сўзларни шарҳлаш унинг доимий мароқли машғулотига айланди. У сўзлар билан эрмакка ишламайди. Луғат тузишдек ғоят машаққатли ишда шерик ахтармайди. «Ҳашар» уюштирмайди. Шогирдларининг ҳам «бурнини ерга ишқамайди». У ҳар куни кунт ва ихлос билан ёлғиз ўзи меҳнат қилади. Унинг «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (1964), «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»(1978), «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати»(1980), «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати»(1984) каби ишлари, ўзбек тили лексикологияси, лексикографияси, морфологиясига доир юзлаб мақолалари, дарслик, қўлланмалари иштиёқ билан қилинган шундай меҳнат туфайли яратилган.

Луғат яратиш игна билан қудуқ қазишга қиёсланади. Чунки бу иш тинимсиз, муттасил меҳнатни талаб қилади. Заргарлик, наққошлик каби соҳалар ҳам ғоят кунттталаб. Аммо заргар, наққош кунига икки-уч соат астойдил ишласа, натижаси дарҳол билинади. Лекин луғат яратиш учун кечаси ҳам, кундузи ҳам, юрганда ҳам, ухлаганда ҳам ишлаш керак. Бу ишда мия доимо ўй-мулоҳаза билан банд бўлиши лозим. Йиллар давомида шу тарзда муттасил меҳнат қилиш натижасида минглаб, миллионлаб кишилар фойдаланиб, баҳра оладиган луғатлар вужудга келади. Луғат тузиш заҳматини чекканлардан бири бекорга: «Жиноятчиларни жазолаш учун уларга луғат туздириш керак. Бу меҳнат ҳар қандай жиноятчи учун энг оғир жазо бўлади», демаган. Албатта, луғатдан луғат ясайдиган «устамон»лар ҳам бор. Аммо уларнинг луғатлари совун кўпигича «умр кўради». Чунки ҳалол меҳнат меваси бўлмаган барча нарсалар каби бундай «луғат»лардан ҳам кўпчилик барака топмайди.

Бошқа соҳалар каби тилшуносликнинг ҳам тармоқлари, йўналишлари кўп. Фонетика, морфология, синтаксис, лексикология кабиларнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Аниқроғи, улар кўпроқ филолог мутахассислар учун маълум. Аммо луғатлар ҳаммага наф етказади. Сўзларни тўғри ёзишни ўрганиш учун ҳам, уларнинг маъносини билиш учун ҳам, хорижий тилларни тушуниш, ўрганиш, қадим замонларда битилган китобларни ўқиш, уқиш учун ҳам луғатлар керак бўлади. Қисқача айтганда, луғатлар хилма-хил масалалар бўйича кишиларга таянч, восита вазифасини бажаради. Шу боисдан луғатлар қадим замонлардан ардоқланиб келинади.

Қадимда ҳам турли соҳаларга тааллуқли кўплаб китоблар битилган. Аммо улардан шу соҳаларга тегишли луғатларгина замонлар синовидан ўтиб келган. Жумладан, «Девону луғатит-турк» — туркий халқларнинг энг қадимий ёзма обидаси. Маҳмуд Кошғарий битиб қолдирган бу китоб, номидан ҳам аён, луғат. Ўтган замонларда барча илм кишилари луғатлар тузишган, сўзлар тарихи, уларнинг турли хил маъноларини шарҳлаб, китоблар ёзишган.

Шавкат Раҳматуллаев илм-фанни беҳад ардоқлаган аждодларимизнинг эзгу удумларига садоқат кўрсатди. Олим тилшуносликнинг турли долзарб муаммоларига бағишланган юзлаб илмий-назарий мақолалар, қатор дарслик, қўлланмалар ёзди. Улар мутахассислар, ўқувчилар эътиборини қозонди. Шавкат Раҳматуллаевнинг тадқиқотлари тилшунослар учун таянч манба бўлиб келади. Чунки уларда жаҳон тилшунослик илмида эришилган энг муҳим ютуқлар умумлаштирилган ва ижодий бойитилган. Аммо луғат яратиш олим фаолиятида устувор ўрин тутади. У ўзбек тилшунослигининг бойлигига айланган еттита луғат китоби яратиб, нашр эттирди. Олимнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» уч марта босилиб чиқди. Бу луғатларнинг ҳар бири минглаб сўзларни қамраб олганки, уларнинг ҳар бирини илмий тарзда изоҳлашга унча-мунча тилшунос — фан докторларининг ҳам чоғи келмайди.

Шавкат Раҳматуллаев яратган луғатларнинг аксарияти сўзларни изоҳлашга бағишланган. Бу бениҳоя сермашаққат ишки, домланинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбек тилининг этимологик луғати»-даги биргина сўз шарҳи билан танишиб чиққан киши, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади. Унда 2600 сўзнинг келиб чиқиш тарихи илмий асосда шарҳланган. Ўзбек тилидаги ушбу илк этимологик луғатда муайян сўзнинг ўзи, сўнг шу сўз асосида ясалган ҳосила сўз изоҳланган. Ҳар икки сўз қатъий алифбо тартибида жойлаштирилиб, талаффуз шакли ёзувда қандай ифодаланиши лотинча ҳарфларда ёзилиб, қаердан олингани кўрсатилган. Кейин ушбу сўзнинг ўзбек тилига ўтиш жараёнида юз берган товуш ўзгаришлари изоҳланиб, бу сўз қандай маъно англатувчи сўздан ясалгани манбалар асосида кўрсатилган. Сўнг мазкур сўзнинг аслида ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қандай маъно англатиши, маънодаги ўзгариш, фарқлар маълум қилинган. Охирида эса, бу сўз асосида ўзбек тилида ҳосил этилган сўзлар келтирилган. Китобнинг кириш қисмида берилган «Луғат мақоласининг тузилиши» тўғрисидаги тушунтиришдан ҳам маълум бўладики, бундай ишга қўл уриш ўзини ўзи уқубатга гирифтор қилиш билан баббаравардир. Чунки битта сўзни шарҳлаш учун битта-иккита эмас, бир қанча китобни синчиклаб кўриб чиқиш, мисол топиш, турли манбалардаги маълумотларни қиёслаб, маъқул маҳражга келтириш лозимки, бундай заҳматли меҳнатни амалга ошириш учун тоқат, қунтдан ташқари, яна аллақандай куч керак. Шавкат Раҳматуллаев каби луғат тузувчиларга сўз сеҳрига ошуфталик, сўзга меҳр шундай бир сирли куч бахш этса, эҳтимол.

Тилимизда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар қаторида арабча сўзлар анча кўп. Асрлар давомида қўлланиб келинган бу сўзлар ўзимизники бўлиб қолган. Ҳатто, аксариятимизнинг исмимиз ҳам арабча. Аммо кўпчилигимиз тилимизга араб тилидан кириб келган сўзларнинг асл маъносидан бехабармиз. Шавкат Раҳматуллаевнинг ушбу луғати билан танишиб чиққан ҳар бир киши кундалик муомала-мулоқотда ишлатадиган сўзларимиз маъносига қанчалик эътиборли-эътиборсизлигимизни билиб олади. «Ўзбек тилининг этимологик луғати» шу жиҳати билан ҳам ҳамма учун аҳамиятли.

Бу луғатнинг биринчи томи 2000 йили нашрдан чиққан. Унда 2400 туркий сўзнинг асл маъноси илмий асосда шарҳланган. «Жаҳон адабиёти» журналида ушбу китоб тўғрисида профессор Ҳамидулла Дадабоевнинг салмоқли тақризи эълон қилинган. Унда, жумладан, «мазкур луғатни «Ўзбек тилшунослигининг лексикография соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуғи тарзида баҳоламоқ тўғри бўлади», дейилган.

Ҳар бир соҳа ўз фидойилари туфайли ривожланади, равнақ топади. Фидойилар ҳаракати сустлашган пайтда ҳамма ишда, жумладан, илм-фанда ҳам бир жойда тўхташ, орқага кетиш бошланади, таназзул юз беради. Ўзбек тилшунослиги, хусусан, луғатчилиги кейинги ярим аср ичида қандай ютуқларга эришган бўлса, бунда, албатта, профессор Шавкат Раҳматуллаевнинг муносиб улуши бор. Олим сўзлар билан «тиллашиш»дан завқланиб яшаса-да, у минбарларни бошқаларга бермайдиган сўзамол нотиқ эмас. У жуда кам гапиради. Давраларнинг тўрини эгаллаб, анжуманларнинг ҳайъатида туриб кўпчиликнинг ғашини келтириб, гапдонлик қилмайди. У сўзларни тинглашдан, таҳлил қилишдан роҳатланади. Нотиқлик қилиб, оғзи билан сўзларга озор етказишдан чўчийди. Чунки у сўзларни кўзга кўринмас ноёб, илоҳий бир мавжудот сифатида тасаввур этади. Домланинг шогирдлари орасида фан докторлари, академиклар, фан арбоблари бор. У киши эса иззат-талаб эмас. Суҳбатлашиб, вақтихушлик қилишни ҳам, тўй-ҳашаматларни ҳам унча хуш кўрмайди. Мажлис-машварат, йиғилишларга эса тоқати йўқ. У талабаларга дарсини ўтади, кутубхоналардан, дўконлардан китоб излайди, уйига бориб уларни ўқийди, чизади, белгилар қўяди. Ҳамма ишини дастлаб ўзи қўлида ёзиб чиқади. Сўнг эринмай, ҳарфма-ҳарф яна ўзи машинкада кўчиради. Китоби, луғати тайёр бўлгач, нашриётга қатнайди. Унинг умри, кунлари шу тарзда ўтади. Илм-фанга фидойи, заҳматкашларгина шундай яшайди. Шавкат Раҳматуллаев сўзларнинг рангларини кўради. Уларнинг турфа-туман оҳангларидан завқланади. Сўз сеҳри ҳар бир кишининг кўнглига етиб боришини истайди.

**Абдулла УЛУҒОВ**

# ЗАРРИН НУРЛАРНИНГ БЕЗОВТА ОШИҒИ

**Боши биринчи бетда.**

Маълумки, айрим Шарқ мамлакатлари узоқ вақт мобайнида Ғарбнинг мустамлакаси бўлиб келди. XX аср бошларидан Шарқда миллий уйғониш, озодлик ҳаракатлари кучая борди. Ёш шоир Ойбек «Шарқ учун», «Ўзбек қизига», «Шарқ мазлумларига», «Уйғон», «Ҳасрат ва саодат», «Ўзгариш тўлқинлари» сингари шеърларида ана шу мавзуни қаламга олди.

**Тарих юзингга**
**Қоп-қора излар**
**Чизиб ташлади,**
**Кўзинг ёшлади.**
**Нозик танингни**
**Кеса бошлади...**
**Шарқ, етар, етар,**
**Қаддингни кўтар,**
**Занжирларни кес,**
**Қулликлар битар!** —

каби озодликка ундовчи мисралар бунинг тасдиғидир.

Ойбек дастлаб октябр инқилобидан умид қилиб, мустамлака азобларини тортаётган элининг озодликка чиқишини, унинг ҳам мустақил давлат бўлишини жуда-жуда истаган, большевикларнинг берган ваъдаларига кўплар қатори ишонган эди. Шунинг учун уларнинг сиёсатини олқишлаб анчагина шеърлар ҳам ёзди. Лекин шоирнинг умидлари пучга чиқди, деҳқонларга берилган ерлар қайтадан тортиб олинди, халқнинг етук зиёлилари қатағонга дучор этилди, «маданий инқилоб» баҳонасида қадимий қадриятларимиз, тарихимиз бузиб талқин қилинди. Шундай воқеалардан кейин шоир шеъриятида ҳазин, мунгли оҳанглар кўпая бошлади. «Айрилиқ ва дарвиш» сарлавҳали шеърида бу ҳолат яққол ифодаланган:

**Кўкламнинг гуллари нечун тез сўлмиш,**
**Нашъали боғчалар хазон-ла тўлмиш,**
**Кўкларда порлаган қуёш-да сўнмиш.**
**Олтинли шафақлар, билмам, на бўлмиш?**
**Ҳижрон ўтларидан ёнган, эй дарвиш!**
**Борлиқдан топдингми савдоли бир иш?!**

Шоирнинг «Яна дарвиш», «Най куйлари», «Ёшлик хотираларидан» каби шеърларида ҳам ана шундай маъюслик, тушкунлик кайфияти кўзга ташланади.

Ойбекка замондош бўлган айрим шоирлар 20-30-йилларда ўзбек халқининг ўтмишини, тарихини қоралаб ёзишган. Гўё ўтмишда ўзбеклар қолоқ халқ бўлган, фақат октябр инқилоби туфайлигина озодликка чиқиб, тараққий эта бошлади, деган мазмунда асарлар битилган. Ойбек эса, аксинча, «Ўзбек эли» номли шеърида ўз халқининг шонли ўтмиши билан фахрланади:

**Ўзбек эли бир замонлар**
**Қуёш каби порлагандинг.**
**Қоп-қоронғи уфқларга**
**Олтин нурлар сен сочгандинг.**
**Кўкларингда кулар эди**
**Кўклам чоғин нозли қизи,**
**Таърифингни куйлар эди**
**Кўкда порлоқ эрк юлдузи** —

Ойбекнинг илк ижодида интим мавзу ҳам анча салмоқли ўрин эгаллайди. Лекин шоирнинг бу мавзудаги шеърлари ҳали кўп ўрганилмаган. Ваҳоланки, бу поэзиянинг энг етакчи мавзуларидан бири. Унинг 20-йиллардаги ижодига доир кўпгина шеърлари ушбу мавзуга бағишланган эди. «Ҳой қиз, қарамай...», «Ёр қолди», «Эй, севгилим», «Севги қурбонига», «Самарқанд қизига», «Дардларим уюм-уюм», «Орқангдан йиғлаб қолдим» каби шеърларида ёш шоир қалбининг севги пўртаналари ўзига хос тарзда мавжланганини кўрамиз. Мазкур мавзуда ёзилган «Узоқдан туриб» номли шеърида шоир ўзининг ниҳоятда гўзал ва зариф, содда ва самимий муҳаббат туйғуларини ифодалайди:

**Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!**
**Кўзингга бир боқиб, мен севдим сени.**
**Хаёлинг эсларкан қонайди дилим,**
**Ёлборай, гўзалим, унутма мени.**

Ойбекнинг 20-йиллар шеъриятида қуёш образи кўп учрайди. Ойбекни заррин қуёш нурларининг безовта ошиғи, дейиш мумкин. Чунончи, унинг «Қуёш қўшиғи» шеърида қуёш озодлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Менимча, шоирнинг қуёшга бунчалик ошиқлиги бежиз эмас. Айни шу мотивлар унинг илк шеърларидаёқ жуда катта шарқона донишмандлик, фалсафийлик, теранлик билан уйғунлашиб кетган.

Инсон қалбини, унинг нозик торларининг тебранишини поэзияда акс эттириш ҳар қандай шоирдан жуда катта маҳоратни талаб қилади. Ойбек ана шундай маҳорат соҳиби эди. У сўз воситасида ёрқин манзара ярата оларди. «Куз» шеъридан олинган қуйидаги мисралар бунинг далили:

**Япроқлар олтинранг, шуъладай ёнар,**
**Тушади япроқлар ҳолсиз, паришон.**
**Булутлар ҳўмрайган, бетинч шамоллар,**
**Тушади қалтираб япроқлар — хазон...**

Бу мисралар кузнинг моҳир куйчиси Пушкин сатрларига ҳамоҳангдир. Ойбек 20-йилларнинг охирларидан бошлаб Ғарб шеъриятидан айрим намуналарни ўзбек тилига таржима қила бошлади. Лекин шоир шеъриятининг илк даврида уни илҳомлантирган манба ўзбек мумтоз адабиёти, умуман, шарқ адабиёти эди. Шарқ шеърияти анъаналари асосида тарбияланган шоирнинг дастлабки шеърларида хайёмона руҳ ва Навоийга хос донишмандлик сезилиб туради. Бу эса Ойбекнинг мутафаккир адиб бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этган. Қуйидаги тўртлик фикримиз исботидир:



**Донолар ўтдилар — сафари узоқ,**
**Қуёшдай ботдилар — манзили тупроқ,**
**Кетамиз бизлар ҳам навбатма-навбат,**
**Майли, майдан қуйинг, дўстларим кўпроқ.**

Ойбек шеърларида лирик қаҳрамон ҳолати табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетган. Ана шундай шеърларида ҳам шоир катта фалсафий фикрларни ифодалаган. «Қиш кечалари» номли шеъри бунинг ёрқин мисоли.

Маълумки, оппоқ қор ёғиши кўпчилик шеърларда лирик қаҳрамоннинг кўтаринки кайфиятига, қувончига сабаб бўлади. Ойбекнинг қиш фаслига бағишланган шеърларида эса бунинг аксини кўрамиз. Чунки 20-йиллар шеъриятида «қор» ва «қиш» тимсоллари адолатсизликни, ҳақсизликни ифодалаган.

**Ҳар томонда оппоқ қор,**
**Ичим қора бир мозор.**
**Битта-яримта юлдуз**
**Ерга титрашиб боқар...**

Шоир нима ҳақда ёзмасин, ўлим ва ҳаёт, кураш ва гўзаллик, табиат фасллари ёки кундалик турмуш ташвишлари ҳақида бўладими, файласуф, донишманд сифатида мушоҳада юритади.

Ойбек ҳаётни тўғри баҳолашга интилган. Ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига хос бўлган ажойиб шеърлари ҳам буни тасдиқлайди:

**Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи,**
**Соядек йўлингда ҳамқадам.**
**Сояни қамрар тун сиёҳи —**
**Сенга бергувчи ўлим дам.**

Бу тўртликда шоир инсон ҳаёти доимо байрамлардан, хурсандчиликлардан иборат эмаслигини, унинг ярми шодлик бўлса, ярми ғамкулфатларга тўла эканлигини таъкидлаяпти. Маълумки, XX асрнинг 40-50-йиллари ўзбек адабиётида «Конфликтсизлик назарияси» ҳукмрон бўлган давр эди. Бу назарияга асосан, социализмда фожиа тугул ҳатто айрим салбий ҳодисаларни ҳам ёзиш мумкин эмас, деган ақидалар ҳукм сурар эди. Ана шу даврда Ойбекнинг юқоридаги шеъри ёзилган ва бу «аждаҳо комида маош айламак» (Навоий) билан баробар эди.

Шўролар замонида чоп этилган «Ўзбек адабиёти» дарсликларида Ойбекнинг 20-йилларда социалистик тузумга муносабатда иккиланиб юргани тўғри таъкидланган эди. Бу дарсликларда яна шоирнинг 1928 йили ёзган «Товушим» номли шеъри мисол келтирилиб, бу билан Ойбек ўз хатосини тушуниб, социализм тарафига узил-кесил ўтган, деб ёзилган эди. Ҳақиқатан ҳам, Ойбек 20-йилларда большевикларнинг сиёсатига нисбатан шубҳа билан қараган, уни қабул қилиш керакми ёки йўқми деган савол унинг олдида кўндаланг бўлиб турган. Лекин у 1928 йилдан кейин узил-кесил социализм тарафга ўтди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки унинг турли даврларда ёзган бир қатор шеърларида даврдан, мавжуд ижтимоий тузумдан норозилик оҳанглари, тушкунлик кайфиятлари ифодаланган. Шоирнинг 1941 йилда ёзган қуйидаги шеъри фикримизга далил бўла олади:

**Салом, эй ой,**
**Мунгли эски дўст!**
**Боқ, тагимда яна**
**Ўша тақир пўст.**
**Ўша шамшод асо,**
**Ўша қамиш най...**
**Фақат ўзга ҳижрон,**
**Ўзга жон ва май.**
**Мажҳул саҳродамен,**
**Ой, бўл пир ва эш,**
**Ғояга эришсин**
**Бу сўнгги дарвиш!**

Бу шеърида ҳам шоирнинг 20-йилларда ёзган шеърларидаги каби, тушкун кайфиятни илғаш қийин эмас. Лирик қаҳрамон ўзи яшаётган муҳитдан, атрофини ўраб турган борлиқдан ўзига бирор-бир ҳамдард, улфат тополмайди. Шунинг учун у самога илтижо қилади: "Менга пир бўл, тўғри йўлга бошла" деб ойга ёлворади. Лирик қаҳрамон йўлдан адашган, ғоясиз қолган сўнгги дарвиш, яъни у Ойбекнинг ўзидир. У анча вақт социализм ғояларига амал қилиб юрди, лекин охир-оқибат бу ғояларни ўзига сингдира олмади, шунинг учун энди ўзининг эски ғоясига қайтмоқчи. Шеърини «Салом, эй ой, мунгли эски дўст!» деб бошлагани бежиз эмас.

Ойбекнинг бу даврда ёзилган шеърлари орасида мавжуд тузум тарғиботига бағишланганлари ҳам анчагина. Албатта, бундай шеърлар шоирга турли хуружлардан ҳимояланиш учун керак эди. Акс ҳолда Қодирийларнинг бошига тушган қатағон Ойбекни ҳам соғ қўймасди. Шоирнинг урушдан сўнгги йилларда ёзган бир шеърида:

**Соқий, кел тут пиёлангни, сипқарай,**
**Мен телбага ҳуш киргизсин эски май** —

каби мисралар бор. «Эски май» бирикмаси икки маънода қўлланилаяпти. Биринчидан, май қанча эски бўлса, у шунча хуштаъм ва кучли бўлади. Иккинчидан, май эски ғоясини ифодалаяпти. Маълумки, қадим шеъриятимизда лирик қаҳрамоннинг май ичишдан мақсади, ишқ йўлида девонавор бўлиб Ҳақ йўлига етишиш бўлса, Ойбек шеъриятидаги лирик қаҳрамон эски майни ичиб ҳушёр бўлгиси келади. Бу шоирнинг анъанавий май образига янгича ёндашганидан далолат беради.

Ойбекнинг ўз эътиқодига доим содиқ қолганини 1959 йили ёзган қуйидаги тўртлиги ҳам тасдиқлайди:

**Дарахтлар олтиндир, янграр фироқлар**
**Қуйилур япроқлар, йиғлар япроқлар.**
**Оёқлар остида япроқлар хазон —**
**Ўзгармас фалсафа, ҳисобсиз замон...**

Ушбу тўртликда шоир умрининг куз фаслига киргани, лекин ёшликдаги дунёқараши, фалсафаси «ҳисобсиз замон» ўтса ҳам, қанчалар «фироқлар янграса» ҳам ўзгармай қолганини рамзлар билан ифодаламоқда.

Ойбек умр бўйи ҳақиқатга интилиб яшади. Лекин уни очиқ-ойдин айтишга ҳамиша ҳам имкон топавермади. Шоир баъзан рамзий ишоралар ёки чет эл мавзуидаги асарлари билан коммунистларнинг олиб борган босқинчилик сиёсатига, уларнинг идеологиясига нафрат билан қаради.

**Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,**
**Тошлар ҳам йиғлайди — сир тўла осмон.**
**Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!**
**Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлғон.**

Бунда шоир инсоннинг табиат сирлари олдида ожизлигини эътироф этиш билан бирга, ўз даврининг мафкурачи-файласуфлари ва сиёсатдонларининг «ҳисобсиз ёлғон» тўқиётганига ҳам ишора қилмоқда.

Ойбек серқирра ва сермаҳсул ижодкор эди. У ўзининг романлари билан адабиётимиз, маданиятимиз тарихида қандай мавқега эришган бўлса, лирик мероси билан ҳам худди шундай эътиборга лойиқдир.

**Ҳамид АБСАМИЕВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

## Рауф ПАРФИ



Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи оғир хасталикдан сўнг 62 ёшида вафот этди.

Рауф Парфи 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғида туғилди. 1965 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетини битирди. Янгийўл туман газетасида адабий ходим, Ўзбекистон Кинематография давлат қўмитасида, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, "Ойдин" газетасида мухбир бўлиб ишлади. Маълум вақт Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатди.

Рауф Парфининг дастлабки шеърлари 1957 йилдан эълон қилина бошлаган эди. Илк шеърий тўплами "Карвон йўли" 1968 йилда босилиб чиқди. Сўнгра шоирнинг "Акссадо", "Тасвир", "Хотирот", "Кўзлар", "Қайтиш", "Сабр дарахти", "Сукунат" каби кўпгина шеърий тўпламлари нашр этилди ва шеърият ихлосмандларининг эътиборини ўзига тортди.

Рауф Парфи Байроннинг "Манфред", Нозим Ҳикматнинг "Инсон манзаралари", Карло Каладзенинг "Денгиз хаёли", Анвар Саломатнинг "Олтин болта" асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган моҳир таржимон ҳам эди.

Рауф Парфининг ўзбек шеъриятини ривожлантириш йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1999 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Таниқли шоир ва таржимон, яхши инсон ва садоқатли дўст Рауф Парфининг порлоқ хотираси халқимиз қалбида ҳамиша яшаб қолади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

# АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**Давоми. Боши иккинчи бетда.**

Мен кейинги йилларда мактабларда бўлганимда нуқул ўқитувчилар билан эмас, ўқувчилар, хусусан, 5-синф болалари билан учрашишни одат қилдим. Айни ўша «ҳазм қилиш қийин» «Олтовлон ва еттинчи» ва «Кичкина шаҳзода»нинг ўзлаштирилиши мен кутганимдан ҳам юқорироқ эканини туйиб ғоят қувонаман. «Олтовлон ва еттинчи», «Кичкина шаҳзода»да катталар ҳаётидаги чигал ҳодисалар, мураккабликлар қаламга олинади. Тўғри, асарлар матни тагмаъноси барчага бирдек етиб бормаслиги мумкин. У ёғини суриштирсангиз, шоҳ асарларнинг таг маъносини болалар у ёқда турсин, катталар, ҳатто мутахассислар ҳам тўла англаб етиши маҳол.

Дарсликларда бир асарга қайта-қайта мурожаат этиш тажрибаси бор; чунончи, «Шум бола»дан парча бошланғич синф ўқиш китобида, сўнг 5-синф ўқув қўлланмасида, кейин 6-синф дарслигида келтирилади. XI синф ва олий ўқув юртлари дарсликларида у ҳақда батафсил таҳлиллар берилади. Шунингдек, Айтматовнинг «Қиёмат», А.Экзюперининг «Кичкина шаҳзода»си устида олий ўқув юрти дарсликлари ва дарсларида ҳам гап боради. Қолаверса, «Кичкина шаҳзода» жаҳон болалар адабиётининг энг нодир асарларидан, болаларнинг энг севимли китобларидан саналади. Ўз тажрибамдан бир воқеани айтиб ўтай. Республика радиоси «Кичкина шаҳзода» асосида ажойиб радиопостановка яратган, асар воқеалари ҳикояси, унга жўр бўлган дилрабо мусиқа садолари дилларни оҳанрабодек ўзига ром этади. Мен уни қайта-қайта тинглашдан эринмайман. Бир гал радиопостановкани тинглаб ўтирсам, олти яшар эртаксевар набирам ёнимга келиб ўтириб аллақандай ширин ўй-хаёллар оғушига ғарқ бўлиб қолди. Мен «Эртакни тушуняпсанми?» деб сўраганимда, «Бобожон, жиминг...» деб илтимос қилди, икковимиз жим ўтириб бу ғаройиб эртак-қиссани охиригача эшитдик. Ерга урса осмонга сапчийдиган шўх-шаддод болакайни жимгина ўтириб тинглашга, хаёл суришга мажбур этган асарнинг нимасидир унга етиб борган. Мана шунинг ўзи катта гап!

Дўстим Худойберди Тўхтабоев 1986 йил кузида Болтиқбўйи республикалари бўйлаб сафарда бўлган эди. Айни ўша йили «Новый мир»да Ч. Айтматовнинг «Қиёмат» романи эълон этила бошлаган, ҳали асар нашри охирига етмай туриб унинг теварагида шовқин-сурон бошланган эди. Болтиқбўйи адиблари бу асарни жаҳонда биринчи бўлиб таржима қилиб ўз ўқувчиларига етказган эдилар. Худойберди қайси мактабга борса, ўқувчилар оғзида «Қиёмат», мактаб ўқувчиларининг «Қиёмат» ҳақидаги сўзларини эшитиб ҳайратга тушган, кейинроқ «Маърифат»да чиққан «Болаларга ишонинг, дўстлар» сарлавҳали мақоласида «Қиёмат» билан боғлиқ сафар таассуротларини ҳаяжон билан сўзлаб берган эди.

Бизнинг айрим ҳамкасбларимиз бугунги кунда роман эмас, ундаги бир ривоятнамо ҳикоя 5-синф ўқувчилари учун оғирлик қилади, десалар бунга нима дейиш мумкин? Азизлар, ўтмишимизни бир эслайлик, ахир ҳазрат Навоий айни 5-синф ўқувчилари ёшида эканида битган шеърлари билан Мавлоно Лутфийлар эътиборини қозонган, ёш шоир Лутфийдек маликул калом ўзининг ўн икки минг байтини алмаштиришга рози бўлган ғазалини яратиб қўйган эди. Бобур Мирзо айни шу ёшида тахтга ўтирган, ғоят таҳликали дамларда тож-тахт ҳимояси учун мардона жанглар олиб борган эди. Бу ёшдаги ҳозирги болажонлар ҳам анойи эмас, улар катталарбоп жиддий кинофилмларни сизу биздан кўпроқ томоша қилади, кўп нарсаларга ақли етади...

«Кичкина шаҳзода»дан дарсликда келтирилган парчани муаллиф қалами билан чизилган суратлар шарҳини ўқибоқ ўқувчи асардаги ўзига керакли жиҳатларни бемалол уқиб олавериши мумкин. Қолаверса, дарсликда аввал танишган «Булбул» эртаги, «Жинлар базми», «Менинг ўғригина болам» ҳикоялари, «Олтовлон ва еттинчи» ривояти каби катталар ҳаётининг мураккабликлари акс этган асарларни ўрганиш асносида «Кичкина шаҳзода»ни қабул қилишга ҳар жиҳатдан тайёрланган.

9-синф дарслиги орқали умумий ўрта таълим адабиёт сабоқлари интиҳосига етади. Дарслик А.Камюнинг «Бегона» ва Ч.Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асарлари билан якунланади. «Асрга татигулик кун» хусусида эътирозлар йўқ, «Бегона» борасида яна ўша «ўта қийин, мураккаб асар», «ўқувчи савиясига мос эмас» деган гаплар қулоққа чалинмоқда.

Дастур ва дарслик муаллифлари ҳам «Бегона» мазмун-мундарижаси, бош қаҳрамон табиати, қисматининг бадиий талқини жиҳатидан мураккаб, англаб етиш қийин асар эканини биладилар. Шуниси аёнки, «Бегона» XX аср жаҳон модерн адабиётининг нодир намуналаридан; модерн адабиётига хос энг муҳим хусусиятлар, шахс жумбоғи, бадиий ифоданинг янгича йўллари унда жуда ёрқин намоён бўлган. Яна шуниси ҳам аёнки, модернизм XX аср жаҳон адабиётининг етакчи услуби; мактаб адабий таълимининг муҳим вазифаларидан бири жаҳон адабиётидаги ҳар хил оқимга мансуб асарларни ўқиб тушуна оладиган замонавий китобхонни тарбиялашдан иборат. Ўқувчи беш йил адабиётдан сабоқ олса-ю, модерн адабиётининг намуналаридан бехабар қолса, буни кечириб бўладими? Кейинги йилларда оҳа тилимизга жаҳон модерн адабиётининг ўнлаб намуналари таржима этилди, бироқ улар орасида мактаб учун энг қулайи, бизнингча, «Бегона».

Мактаб адабий таълими биринчи галда ўқувчиларни ибрат, намуна бўла оладиган қаҳрамонлар руҳида тарбиялашга қаратилган. V-IX синфлар дастур, дарсликларидан жой олган аксар асарлар айни шу йўналишда. Айни пайтда адабиёт — бу инсонни англаш санъати. Шоир Эркин Воҳидов ўттиз йил бурун «Ота тилаги» шеърида ёзган эди:

**Майли, мушкул бўлсин**
**сен танлаган йўл,**
**Толе ҳам, майлига,**
**келмасин осон.**
**Фақат одам қадрин**
**билар одам бўл,**
**Бўл инсон дардини**
**билгувчи инсон!..**

Адабиёт намуналари орқали ёш авлодни инсон ва унинг қадри, қалби, дардини билгувчи, англагувчи қилиб тарбиялаш ҳам ғоят долзарб вазифа. 5-синф дарслигидан жой олган «Менинг ўғригина болам», «Гулнор опа», «Олтовлон ва еттинчи», «Hellados»дан тортиб 9-синфдаги «Бегона»га қадар ўнлаб асарлар айни шу вазифа хизматига қаратилган. 9-синф дарслигида берилган жаҳон адабиёти намуналари — «Шоҳ Эдип», «Ҳамлет», «Евгений Онегин»ни тушунган ўқувчи учун «Бегона»ни англаш у қадар мушкул эмас.

Бир вақтлар мактаб дарсликларида мумтоз шеъриятимиз намуналари, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари ҳаддан ташқари «тушунарли» қилиб жўнлаштирилиб бериларди. Устоз Озод аканинг ибратли бир ҳикмати бор: юксак санъат асари маъносини жўн китобхон даражасига тушириш эмас, аксинча, жўн китобхонни юксак санъат асари даражасига кўтариш йўлидан бориш даркор... Янги дарсликларда мумкин қадар айни шу йўлдан борилди. Бугунги кунда Навоийнинг ғазаллари, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларнинг маъно-мундарижаси талқини янгича, анчайин мураккаб. Шуниси муҳимки, ана шу мураккаб жумбоқларни ўқувчига етказиш йўллари қидириляпти ва топиляпти. Навоий асарларини тушуниш «Бегона»ни англашга кўра осон эмаслиги ҳаммага аён. Дарсликда «Бегона»га очқич сифатида унинг мухтасар таҳлили, ўқитувчилар учун тайёрланган қўлланмада эса модерн адабиёти ва у билан боғлиқ абсурд, экзистенциализм фалсафаси моҳияти хусусида тушунчалар берилган. Афсус, ҳажм муаммоси туфайли «Бегона» бўйича тайёрланган матннинг учдан бир қисмигина дарсликдан жой олди, холос. Аёнки, дарсликка кирган аксар асарлар ҳозирги янги ёзувимизда чиқмаган. Ана шундай шароитда дарслик мажмуаларни бу қадар қисқартиришга уриниш ғирт бемаънилик. Шунга қарамай, тажрибали ўқитувчилар саъй-ҳаракати туфайли бугун «Бегона» ёш ўзбек ўқувчиси учун бегона бўлмай қолди.

Аминманки, «Бегона»ни англамай туриб ҳозирги ўзбек адабиётидаги янгича йўналишга мансуб О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, С. Вафо ҳикоя, қисса, романларини, «Ёшлик» журналида эълон этилаётган ўнлаб асарларни, жумладан, Зулфия Қуролбой қизининг «Тафаккур», «Ҳилола» отлиқ ҳикояларини тушуниш, англаш қийин. Ҳолбуки, бу асарларнинг аксарияти 8-9 синф ёшидаги навқирон авлодга аталган.

2003 йил июнида «Умид» жамғармаси кўмаги билан хорижда таълим олиб келган кенжа ўғлим Жамшиднинг Олмония Саарланд университетида танишган дўстлари — парижлик икки йигит хонадонимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар илтимосига кўра, хонадаги стол ва стулларни бир чеккага йиғиштириб хонтахта атрофида кўрпача устига ўтириб гурунг бошладик. Ёшларнинг гоҳ француз, гоҳ немис, гоҳ инглизча эмин-эркин ва жўшқин суҳбатларига қулоқ тутиб қувонаман, айни чоғда, бир филолог профессор бўла туриб, бу тилларни билмаганим учун афсусланаман. Шукурки, ўғлим жонга ора кирди, унинг таржимонлиги туфайли бу ажиб гурунг иштирокчисига айландим. Филолог адабиётшунос эканимни билган меҳмонлар «Ўзбекистонда француз адибларини билишадими?» деб сўрашди. Мен эса Флобер, Стендал, Балзак, Мопассан, Гюго асарлари ўзбекчага таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилгани, улар бизда ниҳоятда машҳур эканини айтдим. Бугина эмас, «Кичкина шаҳзода», «Бегона» мактаб дарсликларига киритилгани хусусида сўз очиб, дарсликларнинг ўша саҳифаларини кўрсатганимда, парижлик йигитларнинг юзлари ҳайрат ва қувончдан яшнаб кетди. Меҳмонларнинг бири мактабда «Кичкина шаҳзода»ни ёд олганини айтиб, ўзбекча матндан парча ўқиб беришимни сўради. Илк сатрларни ўқиганимда, «Оҳанги ўхшайди» деб хитоб қилди. Сўнг «Бегона» олтмиш йилдирки, француз ёшларининг энг севимли асари эканини айтди.

Рости, ўша дақиқаларда парижликлардан кўра мен кўпроқ қувондим. Биз ўзбеклар мактаб ёшидаёқ Оврупо маданияти бешикларидан саналмиш Париж ёшлари каби уларнинг ифтихори саналмиш ноёб санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлиш шарафига муяссармиз. Президентимиз ғурур билан айтганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

## Доимий ҳамроҳ




«Кўнгилларга йўл топишнинг иккита шарти бор: Истеъдод ва Самимийлик, — деб ёзади филология фанлари номзоди Муҳайё Йўлдошева шоир Турсун Алининг «Сокин ҳайқириқ» номли янги тўпламига ёзган сўнгсўзида. — Ҳеч нарса истеъдодчалик сўзга меҳр, куч, мусиқа бағишлай олмайди, ҳеч нарса самимиятчалик одамни ўзига ром эта билмайди. Турсун Али қаламидан йўғрилган «Сокин ҳайқириқ» тўплами ана шундай икки шартга жавоб бера олади».

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Сокин ҳайқириқ» тўпламига шоирнинг кейинги уч-тўрт йил мобайнида ёзган шеърлари, қадимги Хитой шеъриятидан қилган таржималари киритилган. Болалик соғинчи ва сўнмас муҳаббат таронаси китобдаги шеърларнинг мазмун-мундарижасини белгилайди. Жумладан, шоир «Арғимчоқ» шеърида шундай ёзади:

**Болалигим кечган ҳовлида**
**булутдек-булутдек**
**ўрик дарахтлари**
**ўсарди қуёшга очиб қучоқларин кенг.**
**Болалигим учар эди**
**ўшал ўрик шохига**
**арғимчоқ солиб.**
**Орзулар ҳам учарди арғимчоқда.**

Оламга ҳайрат кўзи билан боқиш, ҳар бир инсонда холислик ва самимиятни кўриш, ишқ билан ўртанган қалбларга ҳамдардлик шоир шеърларининг таъсирчанлигини таъминлаган етакчи фазилатлардир.

Тўпламга Б.Эшпўлатов муҳаррирлик қилган. Мусаввир Т.Габзалилов.

# СУРАТГА ОЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

*Диққат: премьера*

«Хўжакўрсин» кинотеатрида яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Қўчқор ота ва ўғиллари» хусусий студияси ижодкорлари томонидан суратга олинган тўрт серияли «Салом сизга, қариндошлар» номли бадиий-саргузашт филмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Салкам саксон кишига мўлжалланган ҳайҳотдай томоша зали оила аъзолари, қариндош-уруғлар, қуда-андалар, қўни-қўшнилар билан тўлиб-тошди.

Филм сценарийси шахсан Қўчқор ота қаламига мансуб бўлиб, воқеалар оиланинг шаклланиши, оёққа туриши, илк хатна тўйлари, қуда чақириқ, ўғил уйлаш, келин тушириш, тўёна можароси, илк ади-бадилар, араз-дароздардан бошланади ва томошабин аста-секин асосан бозор-ўчар билан машғул бу оиланинг ички сир-асрорларига ошно бўлиб боради. Катта ўғилнинг кутилмаганда жиноятга қўл уриши, қудалар ўртасидаги даҳанаки жанг, ўртанча келиннинг бир ҳафта йўқолиб қолиши ва гул-гул очилиб қайтиб келиши картиналари, айниқса, ишонарли, ҳаётий чиққан. Филм давомида бу келин яна кўп бор ғойиб бўлади ва ҳар гал зиён-заҳматсиз, қўшни новвой бола ғамхўрлигида оилага қайтади. Нақадар таъсирли детал!



Тўй можароси — филмдаги кулминацион нуқталардан бири. Қўчқор отанинг касалхонага тушиши ва соғайиб қайтиши муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида яқин қариндошлардан бири ота елкасига тўн ёпади. Аммо, Қўчқор отанинг зийрак кўзлари бундан беш йил аввал ўз қўли билан шу қариндошининг елкасига ташлаган тўнни... таниб қолади. Яна қаеридан денг? Ўнг енгидаги шапалоқдай ямоғидан! Ана можаро, мана можаро!

Филмнинг умумий муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири шуки, унда ота ролини — ота, она ролини она, ўғилларини — ўғиллар, келинларни — келинлар, қудаларни — қудалар ижро этишган. Бунинг устига кенжа қуда операторлик қилиб, асосий саҳна кўринишларини ҳуфёна суратга туширган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар филм оператори маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Бу усул — бугунги хусусий киношунослигимизда жиддий янгилик бўлиб, уни янада оммалаштириш зарурлигини айтишди. Зеро, қудаларнинг фикрича, оила ичидаги маш-машаларни ҳуфёна суратга тушириш бугунги оилавий кино санъатининг келажагидир.

Тақдимот сўнггида қудалар бир-бирлари елкаларига тўн ёпмоқчи бўлишди, аммо бунинг иложи бўлмади. Ҳиссиётини тия олмаган баъзи қариндошлар шу ерда ҳам қовун туширишди.

**Ўз ахборотимиз**

"ШЧ" АРХИВИДАН

## ЗАМОН ЎЗГАРДИ

— Илгарилари одамлар олтмиш, етмиш ёшда ҳам фарзанд кўриб, исмини Олтмишвой, Етмишвой қўйишар экан, — деди хаёлга чўмиб ўтирган чойхўрлардан бири. — Энди бунақа исмлар қаёкда дейсиз...

Иккинчи чойхўр дарҳол жавоб қайтарди:

— Замон ўзгариб кетди, биродар. Бугун энди Ўн тўртой, ўн бешвойлар туғилишяпти...

## АВВАЛГИ РАСМИМ...

Бир йигит каттакон шаҳарга келиб уч-тўрт кун кўнгилхушлик қилиб юрди. Тунги базмхоналардан бирида ўзи тенгги, жуда гўзал бўлмаса-да, муомала-одоби бинойидеккина жувон билан танишди. Суҳбатлари тезда қовушиб, жувон йигитни уйига таклиф этди. Китоб жавонининг устида ёш, кўзлари тийрак бир йигитнинг сурати турарди.

— Янглишмасам, бу йигитча собиқ эрингиз бўлса керак, — деди меҳмон ийманибгина.

— Йўқ, — деди аёл суратга хомуш тикилар экан, — жинсимни ўзгартирмасимдан аввалги расмим...

**ЯНГИ МАҚОЛЛАР**

**Отангни онангга рекламасиз кўрсатма.**

* * *

**Рекламадан келса бойлик —**
**Турмуш бўлар чиройлик.**

* * *

**Реклама бўлса омон,**
**Оч қолмагай сухандон.**

# Дунё — кенг...



## «ЎН МЕТРЛИ ОДАМНИНГ ИЗЛАРИНИ ТОПДИК»

**Бошқирдистонлик машҳур олим ва сайёҳ Эрнест Мулдашев навбатдаги саёҳати давомида қадимги цивилизациянинг мавжуд бўлганини асослайдиган янги далиллар топгани ҳақида «АиФ» газетасига интервью берди. Бу сафар у ҳамроҳлари билан Сурия, Ливан ва Мисрдаги кўҳна шаҳарлар харобаларида тадқиқот олиб борди. Қуйида Э.Мулдашевнинг интервьюсини жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

— Очиғини айтсам, бу экспедициямиз шунчалик самарали ва фавқулодда қизиқарли бўлишини кутмаган эдим. Хусусан, Сурияда биз бўйи ўн метрли улкан одам изларини топишга муваффақ бўлдик. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу излар табиий экан. Бундан ташқари, бу жойда биз бўйи олти-етти метрли одамларнинг бир неча қабрларини ҳам учратдик.

Биз «ўлик шаҳарлар» деб аталадиган бир неча харобага айланган маконларда ҳам бўлдик, бундай жойлар Сурияда етмиштача. Жуда қадим замонларда одамлар бу шаҳарларни бир кун ичида тарк этишган. Деярли харобага айланган бу шаҳарларда қадимда қўлланилган қурилиш технологияси ҳозирги технологиядан анча юқори бўлган.

Улкан иншоотлардан бири, афтидан, ўзига хос «касалхона» вазифасини ўтаган бўлиши керак. Зеро, бу иморат, тибет табобатида қайд этилганидай, машҳур беш унсур воситасида даволаш принципига кўра қурилган.

Кўп жойларда биз қачонлардир бир неча минг тонна келадиган тошлардан қурилган ер ости қурилмаларига ҳам тушдик. Уларни кўриб, айрим эзотерик адабиётларда қайд этилган ер ости шаҳарлари ҳақиқатан ҳам бор, деган тасаввурга келдик.

Бизнинг назаримизда, қадимда қурилган бундай қасрлар ободончилик ёки гўзаллик учун эмас, балки энергия йиғиш мақсадида, қадимги давр одамларини «энергия билан қувватлантириш» учун барпо этилган. Айни шундай тасаввурни тасдиқлайдиган жуда кўп далилларни топдик.

Маълум, бўлишича, Мисрдаги айрим эҳромлар кўп қатламли характерга эга. Мисрдаги энг улкан ҳайкал Абу Симбелнинг тош устунлари эмас, балки Рамуасом қасридаги ўттиз олти метрли одам ҳайкали. Аниқланишича, деярли ҳар бир қасрда учрайдиган алоҳида турган «дарвоза» айнан Тибетдаги муқаддас Кайлас тоғига қаратиб қурилган.

Бироқ энг ғаройиб жиҳати шундаки, Ливан ва Мисрдаги учта ҳажмига кўра жуда баҳайбат тош қурилмани қадим аждодларнинг... «Вақт машинаси» дейиш мумкин.

«Булар бари эртакка ўхшайди...», деган луқмага жавоб беракан, Э.Мулдашев шундай дейди:

— Бир қараганда, бу шундай. Бироқ агар биз қадимги дунё тарихига анъанавий қарашлардан чекиниб ва бизгача ҳам Ер юзида юксак даражадаги цивилизация мавжуд бўлганини, руҳий энергияга эга бўлган одамлар яшаганини тасаввур қила олсак, ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

«У ҳолда бу цивилизация нима учун ҳалокатга юз тутди?» деган саволга Э.Мулдашев қуйидагича жавоб берди:

— Руҳий энергиядан фойдаланганда мантраларни (афсун) қўллаш, менимча, ўта хавфли. Агар биз руҳий энергияга эга бўлганимизда, масалан, сеҳр-жоду ёрдамида ўз рақибларимизни йўқ қилган бўлардик. Менинг назаримда, ўша қадимда ўтган цивилизация даврида одамлар белгилаб қўйилган мезон, меъёр чегараларини бузишган, Покиза Қалбнинг Буюк қонунларини унутиб қўйишганки, бу қонунлар замирида Меҳр-Муҳаббат ётади. Оқибатда Тангри ато этган руҳий энергиядан ёмон мақсадларда фойдалана бошлашган. Шунинг оқибатида, мана, уларнинг ўрнига биз — дунёда энг қудратли энергияга эга «машина» одам эканлигини унутган ва кучли энергия фақат нефт ва газдан олинади, деб ҳисоблайдиган одамлар келиб турибмиз. Бироқ нефт билан газ барибир вақти келиб тамом бўлади ва биз жуда-жуда қадимда ўтган ўтмишимизни эслашга мажбур бўламиз. Шундан келиб чиқсак, барча диний қарашларда доимий тарзда такрор-такрор келадиган «Меҳр-муҳаббат» сўзининг «энергетик моҳияти» яққол ойдинлашади.

ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ

# МАҒЛУБЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

*Исмим Матсафо, хоразмданман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Бўёқчилик, сувоқчилик, девор кўтариш, ғишт уриш... Ўриkзор даҳасида уч ой ишлаб 80 минг сўм пул ишладим. Шу пулга бўлиб-бўлиб лотерея сотиб олдим. «Нексия» ёки «Матиз» ютиб олсам, қишлоққа миниб бориб, дўст-душманнинг кўзини бир ўйнатай дегандим-да. Пешонам шўр экан, чўлтоқ супурги ҳам чиқмади. Нима қилишни билмай юрибман. Иш бўлса айтинглар.*

***Омадсиз Матсафо***

* * *

Ўғлим Тошкентда катта бир олийгоҳнинг иккинчи курсида ўқийди. Соғлиги, ўқишлари яхши эди. Талабалар ўртасида кураш мусобақасига қатнашиб, дурустгина соврин ҳам олувди. Аммо...

Яқинда шумшайиб уйга кириб келди. Ёпирай, ўз пушти паноҳимдан бўлган боламни танимай қолдим-а. Озиб-тўзиб кетибди. Афт-ангорига қараб бўлмайди. Олдига лаганда эмас, тоғорада овқат қўйсангиз ҳам, худдики бир йил туз тотмагандай пақкос туширади. Гап сўрасанг дудуқланади, нима деяётганини тушуниб бўлмайди. «Ҳой бола, сенга нима бўлди ўзи, пулни пешма-пеш жўнатиб турган бўлсам, ёток-жойдан, кийим-кечакдан камчилигинг бўлмаса, ё бирортасини яхши кўриб қолдингми?», дея қистовга олсак, «Барибир ютаман, ютмагунча лотерея сотиб олавераман, пулим қолмаса қарзга оламан», дейди боласи тушмагур. Нима қилишни билмай, бошим қотиб қолди.

**Фарғоналик Эминжон ота.**



*Жаҳонгир МИРЗО чизган суратлар.*

ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ ЛОТЕРЕЯ, ЛОТЕРЕЯ

## ЧОЙХОНА ҲИКМАТЛАРИ

* * *

Ёлғон ухлатар,
Рост уйғотар.

* * *

*Милтиқни ўқлаш осон,*
*Нишонга уриш қийин.*

*Бу дунёда рост гапнинг*
*Кайфини суриш қийин.*

* * *

Бойнинг ёлғони — бой ёлғон,
Фақирники — вой ёлғон.

* * *

*Одамга либос, эшакка — тўқим,*
*Ёлғонга ёлғон, қассобга — сўқим.*

* * *

Ёлғон зарбоф тўнда ҳам ёлғон.

*Диққат: янгилик*

# ЮЗИНЧИСИ ТЕКИН, МИНГИНЧИСИГА — СОВҒА!

Халқимизда «Текин таом тешиб чиқади», деган мақол бор. Буни кўпчилик яхши билади. Аммо пойтахтимиз марказидаги машҳур «Дархон» кафесида бугундан бошлаб қўлланилаётган ажойиб бир янгилик мазкур мақолнинг маъносини тамомила ўзгартириб юбориши мумкин.

«Дархон» кафеси жамоаси, мана неча йилдирки, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда тўй маросимлари, оилавий тантаналарни ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Қўли гул ошпазлар тайёрлаётган хуштаъм таомлар, элликдан ортиқ турли хил газаклар мухлисларга манзур бўлмоқда.

Кафе раҳбарлари жорий этган янгиликка кўра, бугундан эътиборан ҳар юзинчи хўранда бу ерда бепул овқатланиши, ҳар мингинчи мижоз эса қимматбаҳо совғага эга бўлиши мумкин. Улар бу тўғрида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб беришди:




— Мижозлар ишончини қозониш, уларга мазали таомлар тайёрлаб, кўнгилларини олиш — биз учун катта бахт. Ҳар юзинчи ва мингинчи хўрандаларни мукофотлашга келсак, киравериш эшикларимизга ўрнатилган махсус мослама келувчиларни ҳисоблаб боради. Юзинчи киши овқатланиш залига ўтиши билан мусиқа садолари янграб, ҳаммамиз яхши кайфиятда омадли хўранда истиқболига пешвоз чиқамиз. Спиртли ичимликдан ташқари, буюрган таомлари бепул. Ҳар мингинчи омадлига эса совғамиз бор. Уни ҳозирча айтмаганим маъқул...

Ҳимматингизга балли, «Дархон»чилар.

**Ўз ахборотимиз**

# МИШ-МИШ — ГАПНИНГ ЎҒИЛ БОЛАСИ



— Эшитдингми оғайни, «Лаззат» ошхонасини вақтида хусусийлаштириб олган машҳур ошпаз Абдурайим полвон Парижда бўлиб ўтган картошкани ёғ ишлатмай қовуриш баҳсида қатнашиб «Гран-при» соҳиби бўлибди.

— Э қойил, мана буни ютуқ деса бўлади. Дарвоқе, шу йигит товуқ гўштини қуритиб, бўлак-бўлак қилиб сотадиган Галина Бланкаевнага қариндош бўлармишми?

— Шунақа. Қариндош бўлмаса, шундоқ ошхонага мудир қилиб қўярмиди. Айтишларича, ошхонадан бўш вақтлари театрга ҳам бориб турармиш.

— Йўғ-е. Ана бунисига яна бир марта қойил.

**Аҳмад ОҒА**

# ЯНГИ ҲАНГОМАЛАР

## «Ҳ»НИНГ ДУМИ

Устоз Маҳмуд Саъдий ўта талабчанлиги билан кўпчиликка яхши танилган. Ёш муаллифларнинг хатоларини бетларига шартта-шартта айтишда ва камчиликларини имкони борича тузатиш борасида унинг олдига тушадиганлар кам.

Бир куни метро бекатида Маҳмуд акага бир ёш ижодкор рўпара келиб қолди.

— Нима ишлар қилиб юрибсан, ҳей шоир? — деди Маҳмуд ака (У ҳамма ёшларни бир хилда «шоир» деб чақирарди).

«Шоир» қаердадир ишлаётганини айтди. Унинг кўзи олазараклигидан шошилаётганлиги сезилиб турарди.

— Бўлмаса, менга телефонингни ёзиб бер, — деди Устоз «шоир»га. «Шоир» шоша-пиша чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб, телефон рақамларини узатди-да, келиб тўхтаган вагон сари талпинди.

Маҳмуд Саъдий қўлидаги парча қоғозга тикиларкан «шоир»ни изига қайтарди.

— Ҳей, маҳоратинг ошиб кетибди-ку. Исмингдаги «Ҳ»нинг думи қани? Ма, думини қўйиб бер.

«Шоир» дарҳол «Ҳ»нинг тагига чизиқча туширди-да, вагон ичига ўзини урди.

Маҳмуд ака дашноми ерда қолмаганлигидан ҳузурланиб, ёнидаги шеригига деди:

— Шоир-да, булар ҳали, хатоларини тузатиб туриш керак.

## НАСИББЕКНИНГ КИТОБИ

Мирпўлат Мирзо бир йиғилишда ёнма-ён ўтириб қолган Муҳаммад Алига юзланди:

— Муҳаммадали ака, Насиббек Айтов деган қозоқ дўстингиз бўларди, ўша шоирнинг китоби менга керак бўлиб қолди, сизда, албатта бор, ўзингиз айтгансиз...

— Ҳа, бор, уч йил илгари Олмаотага борганимда уйида меҳмон бўлганман, «Сайланма»сини ёзиб берганди.

— Эртага ишхонангизга олиб келсангиз, ўзим бориб олиб келардим.

Эртасига Мирпўлат телефон қилди:

— Муҳаммадали ака, кечаги илтимосимни топган бўлсангиз...

Муҳаммад Али овозида меҳри товланиб, деди:

— Биринчидан, кеча уйга кечикиб бордим. Иккинчидан, ахтариб тополмадим. Учинчидан, нимани илтимос қилувдингиз, Мирпўлат?

## ҒИЖДУВОНЛИКЛАР

Ғиждувонликлар азалдан шўрданаклари билан машҳур. Тижоратда ҳам анойи эмаслар.




Икки ғиждувонлик Москвага шўрданак олиб борибди. Бозорга боришган экан, нималигини билишмаган шекилли, ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамабди. Кейин пиво ичиладиган жойга келиб, ярим килосини текинга тарқатишибди. Пивохўрларга ёқиб қолиб, қиммат нархда пуллашибди. Сўнг дам олгани паркка боришибди.

Москва паркларида каптарлар кўп эмасми, уларни томоша қилиб ўтиришган экан, бир милиционер пайдо бўлибди. Содда, бўшбаёв мусофирларни кўриб, бирор нима ишлаб қолиш пайида:

— Нима қилиб ўтирибсанлар?! — дея дўқ урибди.

— Ҳеч нарса қилаётганимиз йўқ, — жавоб қилишибди улар.

— Тўғрисини айтларинг!

— Каптарларни санаб ўтирибмиз.

— Ҳар бир санаган каптарларингга бир сўмдан тўлайсанлар! Хўш, сен қанча каптар санадинг? — биринчи ғиждувонликка дебди пўписа қилиб у.

— 100 та.

— Сен-чи?

— 120 та.

— Ундоқ бўлса, қани 220 сўмни чўзларинг!

Икки мусофир 220 сўмни чиқариб беришибди.

Милиционер кетгач, биринчи ғиждувонлик иккинчи ғиждувонликка дебди:

— Милиционерни боплаб алдадим! Аслида 150 та сановдим!

— Мен ҳам чув туширдим уни! — дебди иккинчиси, — мен 200 тагача санагандим!..

## ЎРИНЛИ ЖАВОБ

Шофирконлик Абдураззоқ Қўшшаевга жиянларидан бири қитмирроқ савол берди:

— Қаранг, республика газетасида қизингизнинг бир бет мақоласи чиқибди. Сизники бир бет чиқмаганда...

— Жиян, сен бир нарсани яхши билгин, — жавоб қилди Абдураззоқ, — менинг отам буғолтир ўтган. Қизимнинг отаси — журналист. Шунақа бўлгач, уники бир бет чиқмай, меники чиқсинми?..

**Комрон ЖЎРА**


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93

Санъат бўлими: 136-56-48

Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ

Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 353. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН